

**«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Фарғона тумани мактабгача
таълим бўлими мудирини**



Г.А.Каримова

2022й

БУЮРТМАЧИ:

Фарғона тумани мактабгача таълим бўлими

**Фарғона тумани мактабгача таълим бўлими
тасарруфидаги мактабгача таълим ташкилотларига
2022-2023 йилларнинг қиш-баҳор мавсумида захира
жамғариш мақсадида пиёз сотиб олиш юзасидан энг
яхши таклифни танлаб олиш**

ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Фарғона тумани-2022

Танлов ҳужжатларининг мазмуни:

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

Ушбу йўриқнома 2021 йил 22 апрелдаги № 684-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2018 йил 26 майда № 3016-сон билан рўйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа Бошқаруви Миллий Агентлигининг “Харид тартиб-тамойилларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги” тартиби ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2022-2023 йилларнинг қиш-баҳор мавсумида аҳоли ва ижтимоий соҳа муассасаларининг асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари асосида ишлаб чиқилди.

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Фарғона тумани мактабгача таълим бўлими тасарруфидаги мактабгача таълим ташкилотларига 2022-2023 йилларнинг қиш-баҳор мавсумида захира жамғариш мақсадида пиёз сотиб олиш юзасидан энг яхши таклифларни жалб қилинади.

1.2. Танловнинг охириги қиймати – **70 400 000 (Етмиш миллион тўрт юз минг) сўм.**

Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 15 кун.

1.5. Ишларни бошлаш муддати – буюртма берилган кундан бошлаб ҳисобланади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Фарғона тумани мактабгача таълим бўлими (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) -танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

"Буюртмачи" Фарғона тумани мактабгача таълим бўлими почта манзили 150400 Ўзбекистон Республикаси, Фарғона вилоят, Фарғона туман, Дилкушо МФЙ, Марғилон кўчаси 55-уй

Эл.адрес: vodil107@gmail.com

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов УЗРТХАБ etender.uzex.uz платформасида “Буюртмачи” томонидан тузилган танлов комиссияси орқали қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 5 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги талаблар қўйилади:

-танлов предмети қийматининг камида 50 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни мавжудлиги ҳақида банк кафолатномаси,

- шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;

- танлов объектига ўхшаш объектлар билан ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

- солиқ ва мажбурий тўловлардан бўлган қарздорлик ҳақида маълумот;

- асосий турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етказиб бериш учун мавжуд ишлаб чиқарувчилар ўртасида тузилган шартномаси ёки импорт шартномасининг мавжудлиги;

- импорт шартномага асосан четдан сотиб олинган маҳсулолар мавжуд бўлса божхона юк хатларининг мавжудлиги, ўз омборларида маҳсулотларнинг жамғарилганлиги юзасидан маълумот ва фотолар тақдим этилиши;

- танловга қўйилган маҳсулотларга тегишли булган мувофиқлик сертификати ҳамда гигиенический сертификати мавжудлиги;

- иштирокчининг маҳсулотларни мактабгача таълим ташкилотларига етказиб бериш устуворлиги ҳамда маҳсулотларни ўз вақтида ва белгиланган манзилларга етказиб бериш ҳақида кафолат хати.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

-қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

3.5. Танлов иштирокчилари – талабгор ташкилотлар танлов предметининг лойиҳа ҳужжатлари, ҳусусан, лойиҳани график қисми (чизмалари) билан танишиб чиқиш ва танлов таклифини тузиш учун буюртмачига (танлов ташкилотчисига) тақдим этилиши ҳақида мурожаат қилишга ҳақлидирлар.